

205 - وَعَنْ أَبِي زَيْدٍ أُسَامَةَ بْنِ زَيْدِ بْنِ حَارِثَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «يُؤْتَى بِالرَّجُلِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَيُلْقَى فِي النَّارِ، فَتَنْدَلِقُ أَقْتَابُ بَطْنِهِ، فَيَدُورُ بِهَا كَمَا يَدُورُ الْحِمَارُ فِي الرَّحَا، فَيَجْتَمِعُ إِلَيْهِ أَهْلُ النَّارِ فَيَقُولُونَ: يَا فُلَانُ؛ مَا لَكَ؟ أَلَمْ تَكُنْ تَأْمُرُ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَى عَنِ الْمُنْكَرِ؟ فَيَقُولُ: بَلَى، كُنْتُ أَمُرُ بِالْمَعْرُوفِ وَلَا آتِيهِ، وَأَنْتَهَى عَنِ الْمُنْكَرِ وَآتَيْهِ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ. [خ 3267، م 2989].

قَوْلُهُ: «تَنْدَلِقُ» هُوَ بِالذَّالِ الْمُهْمَلَةِ، وَمَعْنَاهُ تَخْرُجُ، وَ«الْأَقْتَابُ»: الْأَمْعَاءُ، وَاحِدُهَا: قَتَبٌ.

205. Абу Зайд Усома ибн Зайд ибн Ҳориса розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг:

«Қиёмат куни бир киши келтирилиб, дўзахга ташланади. Унинг қорнидаги ичаклари отилиб чиқади, у уларнинг атрофида худди эшак тегирмон тоши атрофида айлангандек айланиб юради. Дўзах аҳли унинг атрофида жамланиб, «Эй фалончи! Сенга нима бўлди? Ахир сен яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтармасмидинг?» дейишади. «Тўғри, яхшиликка буюрардим, ўзим шуни қилмасдим. Ёмонликдан қайтарардим, ўзим шуни қилардим», дейди» деганларини эшитдим.

Муттафақун алайҳ.

Шарх: Хадиснинг тўла матни қуйидагичадир.

Шақиқдан ривоят қилинади:

«Усома ибн Зайдга «Усмоннинг олдига кириб, гапирсанг бўлмайдами?» дейишди. У шундай деди: «Сизнингча, унга фақат сизларга ҳам эшиттириб гапиришим керакми? Аллоҳга қасамки, мен у билан юзма-юз – биринчи бўлиб бошлагим келмаган нарсани (фитнани) бошламасдан – гаплашиб олдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Қиёмат куни бир киши келтирилиб, дўзахга ташланади. Унинг қорнидаги ичаклари отилиб чиқади, у уларнинг атрофида худди эшак тегирмон тоши атрофида айлангандек айланиб юради. Дўзах аҳли унинг атрофида жамланиб, «Эй фалончи! Сенга нима бўлди? Ахир сен яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтармасмидинг?» дейишади. «Тўғри, яхшиликка буюрардим, ўзим шуни қилмасдим. Ёмонликдан қайтарардим, ўзим шуни қилардим», дейди»** деганларини эшитганимдан бери менинг устимга амир бўлган бирор кишига «У одамларнинг яхшиси» демайман».

Ўзи даъват қилиб, одамларни яхшиликка буюриб, аксини қилган. Ёки ёмонликдан қайтариб, ўзи уни бажо келтирган кишини тегирмон атрофида айланиб, қийинчиликка дуч келган эшакка ўхшатишмоқда. Чунки Аллоҳ таоло илмига амал қилмаган олимни Қуръонда қуйидагича ўхшатиш қилган. «(Устларига) **Таврот юкланган сўнгра уни кўтара олмаган (яъни, унинг кўрсатмаларига амал қилмаган кимсаларларнинг мисоли худди (устига ортиб кўйилган) китобларни кўтариб кетаётган эшакка ўхшайди** (яъни, бу кимсалар унинг визминлигидан чирчаб-толадилар-у, аммо у Китобнинг ичидиги нарсалардан фойдаланмайдилар)» (Жумъа сураси, 5-оят).

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI